



МУДОФАА ҚУРИЛИШИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 10 октябрь куни мудофаа қурилиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ривожлантириш масалаларига бағишланган хизмат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда қўшинларнинг жанговар шайлиги ва жанговар қўбилантириш янада ошириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжуд қурол-яроғ намуналарини модернизация қилиш, минтақа ва дунё мамлакатлари билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни фаоллаштириш, ҳарбий шахарчалар инфратузилма объектларини, қўшинларнинг техник ва фронт орти таъминоти тизимларини ривожлантириш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳарбий округ кўмондонликларининг ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарияти билан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қўшинларнинг кундалик самарали фаолиятини ташкил этишда кўшилла ва қисмлар командирларига кўмаклашиш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги ҳамкорлик фаолиятининг оралиқ якунлари ҳам кўриб чиқилди.

Мудофаа вазирлиги масъул мансабдор шахсларининг қўшинларнинг самарали жанговар ва маънавий-материй тайёргарлигини ошириш, бошқарув органлари, бириктирилган, қўшилла ва қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари, шунингдек, маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Мудофаа вазирлигининг ахборотида кўра, ҳисобот даврида жами 120 дан ортиқ тезкор-жанговар тайёргарлик тадбирлари ўтказилган, уларда тегишли вазирлик ва идораларнинг 15 мингдан зиёд ҳарбий хизматчилари, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштирок этган.

Амалга оширилган ишлар натижасида ҳарбий округларнинг жанговар имкониятлари сезиларли даражада кенгайди, доимий шай ҳолатдаги ва махсус топшириқли мутлақо янги бўлинмалар тузилди. Қўрилган чора-тадбирлар туфайли қўшинларнинг жанговар тайёргарлик самарадорлиги ошди, бўлинмалар жанговар шайлигининг вақтга доир кўрсаткичлари икки баробар қисқартирилди, шахсий таркибнинг профессионаллик даражаси юксалди.

Қисқа муддатда хориқнинг илғор технологиялари ва замонавий ўқув воситаларини ўзида мужассам этган янгиланган Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди.

Хизмат йиғилиши якунлари бўйича Президентимиз томонидан Қуролли Кучлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва умуман мамлакат мудофаа қўбилантириш юксалтиришнинг устувор йўналиш ва вазифалари белгилаб берилди. Қуролли Кучларни янада ислоҳ қилиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА



ЕВРОПА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁР ЭКАНЛИГИНИ ФРАНЦИЯ БУТУН ДУНЁГА НАМОЙИШ ҚИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон таклифига биноан ушбу мамлакатга қилган расмий ташрифини бутун Ўзбекистон халқи катта ҳаяжон ва қизиқиш билан кузати.

Франция давлатимиз раҳбари расмий ташриф буюрган Европадаги биринчи мамлакатдир. Бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар дунё эътибор марказида эканлигини ушбу ташриф ҳам кўрсатди.

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги самимий суҳбатлар, имзоланган битимлар қўлами, кўхна китъа оммавий ахборот воситаларида билдирилаётган муносабатлар Европа ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини кўрсатмоқда. Буни Франция бутун дунёга намоийш қилди.

ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАШ ВА БАРЧА МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида 2018 йил 10 октябрь куни Вазирлар Маҳкамаси ва иқтисодий идоралар раҳбарлари иштирокида мамлакатни жорий йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолати ва йил якунлари бўйича қўйлаётган натижалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Молиявий бозорнинг ривожланиши иқтисодиётини янада либераллаштириш ва тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратишнинг асосий омилли ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сисъатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони амалда бўлган валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сисъатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишнинг мутлақо янги тизими асос бўлди.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, инвестиция салоҳиятининг юксалишига, пировардида, иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигининг янада яхшилланишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда валюта бозорининг эркинлаштирилиши иқтисодиётда ликвидлилик даражаси ошиши ҳамда бўш пул маблағларининг муҳим инвестиция ва инфратузилма

лойиҳаларига жалб этилишини тақозо қилади.

Ўз навбатида, капитал бозорини ривожлантириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва сугурта компанияларининг бўш маблағларини муҳим лойиҳаларга жалб қилиш ҳам яхши самара беради. Бу борада янги ислохотларни амалга ошириш давлат бюджетни харажатларини бир маромда молиялаштириш учун имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда «Ҳар бир оила — тадбиркор» давлат дастурининг жойлардаги амалга оширилувчи раҳбарлар ҳисоботи эшитилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар, тижорат банклари ва сугурта компанияларининг бўш маблағларини муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш мақсадида қимматли қўзғаларни муомалага чиқариш, шунингдек, жорий йилни муваффақиятли якунлаш ва барча прогноз қилинган асосий макроеқтисодий кўрсаткичларга эришини таъминлаш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

Парламент қўмитаси: дарсликлар таъминоти яхши эмас

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси республикамиздаги умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларининг янги авлод дарсликларига ҳамда ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини назорат-таҳлил тартибиде ўрганди. Унинг натижалари муҳокамасига бағишланган қўмитанинг махсус йиғилиши ўтказилди.

Депутатлар билан бирга тегишли таълим муассасалари, Республика мақсадли китоб жағмараси, «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси раҳбарлари, Хоразм, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри халқ таълими, касб-хунар таълими бошқармалари бошлиқлари қатнашган йиғилиш танқидий-таҳлилий руҳда ўтди.

Албатта, аввало изчил ислохотлар жараёнида таълим соҳасидаги қатор муаммолар ҳал этилаётгани, ўқитувчи-педагогларнинг қадри ва оилик иш ҳақи оширилгани муҳим ўзгаришлар сифатида алоҳида қайд этилди.

Бироқ тизимда ҳозиргача сақланиб қолётган, ечимини қутаётган муаммолар ҳам талайгина, дейилди қўмитанинг тегишли ахборотида. Бу ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолат назорат-таҳлил тартибиде ўрганилганда яққол намоён бўлгани таъкидланди.

Хусусан, ўрганилган туманларда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлик даражаси пастлиги аниқланди. Масалан, 2018 йил 18 январь ҳолатига, Фарона вилояти Ёзёвон туманидаги барча 36 умумтаълим мактабиде 10-синф бўйича 896 наса ҳуқуқ фани дарслиги умуман мавжуд эмас, 8 умумтаълим мактабиде 5-10-синфлар бўйича жами 200 донага яқин дарслик ўқувчиларга умуман етказиб берилмаган. Аксарият ўқувчиларга фақат эски дарсликлар тарқатилган.

Йиғилишда депутатлар бу каби камчиликлар жорий ўқув йилида ҳам қўзғатилаётганини

ачинарли ҳолат сифатида танқид қилди. Жумладан, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида дарсликлар таъминотида муаммолар кузатилган. Хоразм вилоятидаги ҳолат янада ёмонроқ экани таъкидланди.

Ҳар икки вилоятда жорий ўқув йили бўйича умумтаълим мактаблари учун буюртмалар шакллантирилган бўлса-да, жорий йилнинг 2 октябрь ҳолатига кўра, айрим дарсликлар ҳали етиб келмаган. Умуман олганда, янги ўқув йилининг иккинчи оий бошланганга қарамасдан, республикадаги умумтаълим мактаблари бўйича тиллар ва синфлар кесимида етишмайдиган дарсликларни Халқ таълими вазирлиги томонидан қайта тақсимот қилиш ишлари ҳалигача ниҳоясига етказилмаган.

Шунингдек, йиғилишда ўрганилган ўрта махсус таълим муассасаларида ҳам дарслик кўра, адабиётлар танқислигини йўқотилган ва ўқув адабиётлар, жумладан, умумтаълим фанлари, умумқасбий ва махсус фанлар бўйича янги авлод дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Муаммо бўйича депутатлар ва турли соҳа вакиллари таклифлар беришди. Уларга кўра, адабиётлар танқислигини йўқотилган ва ўқув адабиётлар, жумладан, умумтаълим фанлари, умумқасбий ва махсус фанлар бўйича янги авлод дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Йиғилишда дарсликларнинг умумтаълим мактабларига ўз вақтида етказиб берилиши, фойдаланиш муддати тугаган дарсликларни таълим муассасаларидан олиб чиқиб кетиш ва утилизация қилишнинг қатъий назорат тизимини яратиш, шунингдек, соҳага оид ҳуқуқий базани замон талаблари асосида такомиллаштириш масалалари қўқур муҳокама этилди.

Қўмитанинг ўрганишлар якуни бўйича қабул қилинган қарориде муҳим таклифлар жой олган.

Ўз муҳбиримиз.

EconomieMatin

«Economiematin»:

Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи Франция учун Ўзбекистонда янги савдо йўналишини очади...

Президентимизнинг Францияга расмий ташрифи жаҳон ОАВда кенг ёритилмоқда. Хусусан, Франциянинг «Economiematin» нашрида ҳам бу ҳақда мақола чоп этилди. Унда жумладан шундай дейилган: «Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий ташрифи бир қатор компаниялар, Европа тикланиш ва тараққиёт бани ҳамда Франция тараққиёт агентлиги билан шартнома имзоплаш имконини берди. Биз Ўзбекистон иқтисодиётига қирадиган 600 миллион евролик инвестиция ҳақида гапиряпмиз. Франция расмий доиралари Ўзбекистонни умуман бошқари қўринишда қайтадан кашф қилди.

2016 йилда президентликка сайланган Шавкат Мирзиёевнинг Европада илк ташрифи Франциядан бошланди. Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга жаҳон ҳамжамияти юксак баҳо бермоқда. Ўзбекистон раҳбари барча йўналишлар қамраб олинган ислохотларни бошлади. У бу йўлда бирор-бир амалдорни алмаштиришда иккилангани йўқ.

Шавкат Мирзиёевнинг либерал ислохотлари барча йўналишларни ўз ичига олган: иқтисод, конвертация, банк тизимида хорижий инвесторлар учун қўлай муҳит яратиш, яқин қўшнлар ҳамда бутун дунё билан дипломатик алоқаларни яхшилаш... каби тарихий жараёнлар қисқа муддатда амалга оширилди.

Ўзбекистондаги ҳақиқий ўзгариш инсон ҳуқуқлари борасида ҳам кўзга ташланди. Бир қатор... маҳбуслар озод этилди. Халқаро ташкилотлар, масалан, Human Rights Watch ва Халқаро Қизил Ҳоч қўмитаси билан алоқа ўрнатилмоқда. Илгари болалар, ўсимирлар ва талабалар меҳнатидан фойдаланиш тизими мавжуд эди. Ҳозирда бу ҳолатга бутунлай чек қўйилди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотига ҳам Ўзбекистон ўз эшикларини очди...

Ўзбекистонда ўтган бир ярим йилда амалга оширилган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар туфайли тўппаниб қолган жуда катта муаммолар бартараф этилди. Айни пайтда бу мамлакатта ташриф буюрувчилар ва сайёҳлар учун жуда қўлай муҳит яратилди. Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқанднинг бетакор меъморий обидалари, пойтахт Тошкентнинг бозорларини томоша қилиш кишига завқ-шавақ бағишлайди.

Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи Франция учун Ўзбекистонда янги савдо йўналишларини очади. Ўзбекистон — бой табиий ресурсларга эга бўлган мамлакат. Бу давлат тез орада минтақада табиий газ бўйича гигантга айланиши тахмин қилинмоқда.

Темур АбЗАМ тайёрлади.

Обуна — 2019

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА ИНДЕКСИ-220

www.uzbekistonovozi.uz



ЕВРОПА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁР ЭКАНЛИГИНИ ФРАНЦИЯ БУТУН ДУНЁГА НАМОЙИШ ҚИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига расмий ташрифини жаҳон ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб бордик. Франция нафақат Европанинг, балки жаҳоннинг энг ривожланган, энг қудратли давлатларидан бири. Ушбу мамлакат билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилиши, мустақамланиши барчамизни бирдек қувонтиради, албатта. Биз музокаралар чоғида, айниқса, таълим соҳасидаги келишувларни катта қизиқиш билан кузатдик. Мамлакатимизда Франциянинг етакчи университетлари филиалларини очиш тўғрисидаги битимларни мамнуният билан қўллаб-қувватлаймиз. Бу ишлар амалга оширилса, мамлакатимизда иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ ҳўжалиги, туризм каби йўналишларда замон талабларига мос етук мутахассислар тайёрланади.

Тўғриси айтганда, Франция билан ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишларидан бири таълим соҳаси билан боғлиқ. Бунга қўллаб-қувватлаш мумкин. 2018 йил 22-28 сентябрь кунлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва олий таълим муассасалари ходимларидан иборат делегация Франция Версаль Академияси таркибига кирувчи Сержи Понтуаз университети, Тулуза шаҳридаги «Сиёсий тадқиқот институти», «Шарқ тиллари ва цивилизацияси миллий институти» (INALCO) ҳамда бир қатор таълим муассасаларида бўлди.

Версаль Академиясининг хузуридаги «Таълим ва педагогика олий мактаби (ESPE)» директори Жак Рено, Сержи-Понтуаз университети халқаро алоқалар бўлими мудири Энора Берар, ESPE халқаро алоқалар бўлими мудири Люк Далармелина, ESPE халқаро алоқалар бўлими ходимлари ва ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Франция олий ўқув юрларида таълим сифатини янада ривожлантириш борасида икки томонлама илмий-маданий ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Шу ўринда 1991 йилда ташкил топган Сержи-Понтуаз университети ҳақида икки оғиз сўз. Париж шаҳрининг шимолий қисмида жойлашган бу нуфузли университетда 18 минг талаба ўқийди. Шундан 2000 талаба бошқа хорижий давлатлардан келиб тахсил олади. Мазкур олий мактаб дунё бўйича 305 олий муассаса билан ҳамкорлик қилади. Таълим ва ўқитувчилар тайёрлаш олий мактаби Сержи-Понтуаз

университетининг таркибий қисми ҳисобланади. У бошланғич ва ўрта таълим муассасалари учун ўқитувчилар тайёрлайди.

Тулуза университети қошидаги сиёсий тадқиқотлар институтида бўлиб ўтган учрашувда мазкур институт директори ўринбосари Садрик Груз, халқаро алоқалар бўлими мудири Жером Вигие ва бошқалар иштирок этди.

Бу ерда имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномасига кўра, Тулуза сиёсий тадқиқотлар институти ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўртасида таълим дастурларини ишлаб чиқишда ўзаро ёрдам, мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот соҳаларида ўзаро алмашинувларни амалга ошириш йўлга қўйлади.

Тулуза Фукаро авиацияси миллий мактабиде бўлиб ўтган учрашувда миллий мактаб бош директори Оливье Шансу, Бизнесни ривожлантириш менеждери Мишель Шовин ва бошқалар қатнашди. Учрашувда Тулуза Фукаро авиацияси миллий мактаби

тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тулуза Фукаро авиацияси миллий мактаби ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди.

Шарқ тиллари ва цивилизацияси миллий институтида (INALCO) бўлиб ўтган учрашувда INALCO президенти Мануэль Франк кейинги пайтда Ўзбекистоннинг урта олий таълим муассасаси, яъни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича бир қатор ишлар қилинганни эътироф этди. Унинг сўзларига кўра, INALCO юқоридаги таълим муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни қўллаб-қувватлашга тайёр.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси Версаль Академиясининг Сержи-Понтуаз университети билан 2014 йилдан халқаро алоқаларни бошлаган. Академиянинг «Таълим ва ўқитувчилик олий мактаби (ESPE)» ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида «ERASMUS+» дастури асосида ташкил этилган халқаро лойиҳа асосида икки йил мобайнида 7 нафар француз тили ўқитувчиси, 4 нафар раҳбар ходим, 10 нафар магистр-талаба Францияда малака ошириб қайтди.

Академиясининг «Пальма» ордени билан тақдирланди. Ҳар йили Ўзбекистондаги Франция элчихонаси, Бельгия консуллиги ҳамда Тошкентдаги «Альянс Франсез» томонидан француз тилини ўқитишнинг долзарб муаммолари ва таржима масалаларига бағишланган турли семинар-тренинглар ўтказилиб келинапти.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошида француз тилига ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Унга ўқувчилар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган квота асосида 7-синфдан бошлаб Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган француз ва она тили фанларидан тест синовлари натижалари асосида қабул қилинади.

Мактабни юқори кўрсаткичлар билан яқунлаган ва мактабнинг ўзида ўтказиладиган имтиҳон натижаларига мувофиқ берилладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатга эга бўлган ўқувчилар олий таълим муассасаларининг хорижий тил ва адабиёти, филология ва тилларни ўқитиш йўналишларига кириш имтиҳонларисиз, квота доирасида ўқишга қабул қилинади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг 1-11-синфлари, академик лицей ва касб-хунаҳ коллежлари, республика олий таълим муассасалари учун юздан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалар, лугат ва сўзлашгичлар тайёрланиб, нашр этилди.

Лусвен Керен ҳамда профессор Акмал Саидов ҳамкорлигида ёзилган «Амир Темур ва Франция» китоби бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар томонидан ўзбек тилидан француз тилига таржима қилинди.

Бугун француз тили дунёдаги 29 мамлакат учун расмий тил, 54 давлатда эса иккинчи тил сифатида тан олинганидан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, француз тилини ўрганишимиз, айниқса, ёшларимиз учун қанчалик зарурлигини чуқур англаймиз. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги бугунги ҳамкорлик эса таълим соҳасидаги имкониятларни янада кенгайтирмоқда.

Ганишер РАХИМОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори,
Жамолдин ЁҚУБОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

МУНОСАБАТ

Қадим ва бетакрор Франция диёри ҳақида сўз кетганда, жаҳон адабиётининг етук намоёндалари Александр Дюма, Стендаль, Оноре де Бальзак, Антуан де Сент-Экзюпери каби буюк шахслар сиймолари кўз ўнгимизда жойланади. Шунингдек, Франция тинсотиға айланган муҳташам Эйфел минораси, ойнаванд Лувр музейи, жаҳон урушларидан сўнг жаҳон сиёсий ҳаётига онд масалалар ҳал этилган қадимий Версаль саройи ҳам дунё жамоатчилигини ҳамиша қизиқтириб келган.

ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНДИ



Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзДП фракцияси аъзоси.

Тарихий маълумотларда қайд этилишича, буюк бобоклонимиз Соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўртасида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишончли алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, айни кунларда икки давлат ўртасидаги самимий алоқалар янги раҳ билан давом этмоқда. Бундан давлатимиз раҳбарининг Францияга қилган расмий ташрифи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Катта тарихий аҳамиятга эга ташриф давомиде Франция президенти Эммануэль Макрон давлатимиз раҳбари билан Парижда учрашиб турганидан мамнунигини билдириб, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг қўламли ислохотлар аҳоли фаровонлигини оширишга, фаол ташқи сиёсат эса Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Шунингдек, икки давлатнинг халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга доир ёндашувлари яқин ва мос экани қайд этилди.

Президентимизнинг Францияга давлат ташрифининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Франция тараққиёт агентлиги билан умумий қиймати қарийб 600 миллион евро бўлган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик дастури имзоланди. «Эйрбас», «Тоталь», «Винчи», «Орано», «Тоталь Эрен», «Веолія», «Фивс Штейн», «Буйг», «Ранжис» ва бошқа дунёга машҳур компаниялар билан ҳам ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширишга келишиб олинди.

Европа давлатлари ичиде биринчи бўлиб, франциялик сайёҳларга Ўзбекистонга визасиз кириш тартиби жорий этилгани ҳам икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишончинг тобора мустақамланиб бораётганидан далолат беради.

Франциянинг таниқли адабиёт ва илм-фан намоёндалари — ёзувчи Амин Маалүф, олимлар Фредерик Бопертои-Брессанд хоним ва Франц Гренеге Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси унвони берилгани эса Франция жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Ташриф давомиде 2021 йилда Франциядаги машҳур Лувр музейида Ўзбекистон тарихига бағишланган кўргазма ўтказиш хусусида келишувга эришилгани яна бир аҳамиятга молик воқеа бўлди. Лувр дунё мамлакатлари ичиде бармоқ билан санарли йирик ва муҳташам музейлардан бири. У Франциянинг ўзига хос «ташриф қорғози» ҳам саналади. Ушбу музейни томоша қилиш учун ҳар йили қарийб 10 миллион сайёҳ ташриф буюради.

Ана шундай жаҳонга машҳур музейда ўтказилиши режалаштирилаётган кўргазма ўзбек халқининг бой тарихи, миллий урф-одат ва аъёнлари, амалий санъатини бутун дунёдан келган сайёҳлар олдида намойиш этиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Франция билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз мустақиллигимизнинг илк йиллариданок бошланган. Масалан, «Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамяти томонидан икки мамлакатнинг бой тарихи, адабий алоқалари, илм-фан соҳасидаги муносабатларни мустақамлашга хизмат қилувчи қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси икки мамлакат миллий байрамларини ўтказиш, урф-одат ва аъёнларини кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам самарали ишлаб бормоқда. Ҳар йили 14 июлда Франция миллий байрами — Бастилия қалъаси ишғол қилинган кун муносабати билан Тошкентда тантанали маросим ва бадий кечалар ташкил этилади.

Француз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам мамлакатимиз ёшлари орасида жуда юқори. Масалан, Фаргона давлат университетида ҳам 1994 йилдан бошлаб француз тили бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳозир ушбу олийгоҳда 85 нафар талаба француз тили ва маданиятини чуқур ўрганмоқда. Ўтган йиллар давомиде бу даргоҳдан етишиб чиққан қўллаб ёшлар француз элчихонасида, Франциядаги турли идора ва ташкилотларда ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Қайд этиш керак, пойтахтимизда «Альянс Франсез» фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилот билан ҳамкорликда ҳар ойда «Француз адиблари асарлари билмидони» танлови ўтказиб келинади. Шу орқали маданий-адабий ҳамкорликни давом эттириш ва француз бадий адабиётининг нодир намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш учун қўлай ижодий муҳит яратилгани ҳам диққатга сазовор жиҳатлардан биридир.

Бир сўз билан айтганда, Соҳибқирон Амир Темурнинг Франция давлати билан бошлаб берган дўстлик алоқалари бугун икки мамлакат раҳбарлари ташаббуси билан юксак макомда давом этмоқда. Президентимизнинг Францияга давлат ташрифи ва бу йўлда қўзланган эзгу максадлар икки халқ ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш, уни мазмунан бойитишга хизмат қилади.




Ўзаро тажриба алмашинуви Франциянинг Версаль Академияси таълим маркази профессори Паскаль Буассон хоним томонидан тайёрланган махсус дастур асосида олиб боришмоқда. Бугунги кунга қадар кафедранинг 30 дан ортиқ профессор-ўқитувчиси Франциянинг Париж, Страсбург, Монпелье, Руаян, Виши, Лимож каби шаҳарларда ўз малакаларини ошириб келди.

Университетнинг Гуландом Боқиева, Жамолдин Ёқубов, Манноб Нишонов, Патхиддин Нишонов сингари бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Ўзбекистонда француз тилини оммалаштиришга қўшган ҳиссаси учун Франция

Давлатимиз раҳбарининг Францияга расмий ташрифи доирасида, 2019-2020 йилларда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Франция экология, барқарор тараққиёт ва энергетика вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасида ҳамкорлик, ички ишлар, маданият вазирликлари, Ўзбекистон Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми каби ҳукуматлараро, идоралараро жами 10 та ҳужжат қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «МЕДЕФ» Франция тадбиркорлари ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган бизнес-форумда Европанинг илғор тажрибаси, билими ва технологиялари асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ ҳўжалиги, туризм каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда Франциянинг етакчи университетлари филиалларини очиш борасида келишувларга эришилди.



САЙЁҲЛИК ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон ХДП
Қашқадарё вилоят
кенгаши раиси:

— Ўзбекистон жаҳоннинг таракқий этган кучли етти давлатдан бири — Франция билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, илмий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда. Президентимизнинг ушбу давлатга олий даражадаги ташрифи эса икки мамлакат муносабатларида янги босқични бошлаб беради.

Улкан иқтисодий салоҳиятга эга Франция «бўлган» мамлакатимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларда ҳам ҳамкорликнинг янги даври бошланмоқда. Икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида келишувлар бу борада алоҳида ўрин тутаяди. Мамлакатимизда Франциянинг кўплаб етакчи компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширилади. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Франциядан тажриба ўрганадиган соҳаларимиз кўп. Энг муҳимларидан бири туризм соҳасидир. БМТнинг Бутун дунё туристик ташкилотига томонидан тақдим этилган статистик маълумотга кўра, 2017 йили Франция сайёҳлар ташрифи бўйича жаҳонда биринчи бўлди. Утган йили бу давлатга 80 миллиондан ортиқ турист ташрифи бўлган. Қаранг, бу рақам Франциянинг умумий аҳолиси сонидан ҳам кўпроқ, Франция туризм соҳасида юқори салоҳият-

га ва тажрибага эга давлатлардан бири ҳисобланади. Дунёга машҳур Париж шаҳрига кўпчилик боришни орзу қилади. Шунингдек, бошқа тарихий шаҳарлари ҳам ҳар йили жаҳондан миллионлаб сайёҳлар келиб кетади. Туристлар оқими йил сайин ортиб бораётганининг сабаблари нима? Биз ана шу масалага эътибор қаратишимиз керак. Ушбу мамлакатда қўлланилаётган тажрибани ўзлаштириш орқали юртимизда мазкур тизимни ривожлантириш имкони ортади. Мамлакатимизнинг туризм салоҳияти юқори, бироқ уни оммавийлаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида қилиниши зарур бўлган ишларимиз талабига.

Бизда тарихий шаҳарлар, бир неча асрлик обидалару аждодларимиз қолдирган ноёб дурдоналар бор. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимиздаги маданий мерос объектлари, юртимизнинг меҳмондўстлик қадриятлари жаҳондаги кўплаб сайёҳлар қатори французларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Улар буюк соҳибқирон Амир Темури туғилиб ўсган юртини, ушқурдирган тарихий иншоотларни — ўз кўзлари билан кўришни орзу қилишади.


Биргина Қашқадарё вилоятида 948 археологик, 175 архитектура ёдгорлиги ҳамда 37 зиёратгоҳ бор. Китоб туманида ер қуррасининг бир неча юз миллион йиллик эволюциясини ўзида акс эттирган йирик геологик қўриқхона жойлашган. Чироқчи, Шахрисабз туманларида тош асрига оид қоя суратлари топилган. Олимларнинг фикрига кўра, Чироқчи туманидаги Сийпанташда аниқланган тошдаги жадвал мезолит даврига мансуб бўлиб, дунёдаги энг қадимги тақвимлардан бири ҳисобланади. Вилоятимиз ана шу тарихий ёдгорликлар, ранг-баранг табиати, мозий излари сақланган обидалари билан туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади.

Ўзбекистонга келаётган Франциялик туристларга нисбатан визасиз тартиб жорий этилди. Бунинг замирида халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлашдек эзгу ният муҳассам, деб ўйлайман.

Француз ва ўзбек тиллари фонетикаси бир-биридан тубдан фарқ қилади, бу мазкур тилларнинг фонетик тизими таққосланганда яққол кўзга ташланади. Француз тили унли товушларга бой ва улар аниқ, раво талаффуз қилинади, бироқ дифтонглашмайди, редукцияга учрамайди. Редукция ўзбек тилига хос бўлган ҳодисадир. Мен француз тилининг ўзига хос жозибасини ана шунда, деб ўйлайман.

ҚИШЛОҒИМИЗ ОДАМЛАРИ ФРАНЦУЗЧА ГАПЛАШИШАДИ

«Кимки мен етиб келдим деса, у йўлнинг бошида турган бўлади»



Шарофиддин РАҲМОНОВ,
Самарқанд вилояти
Уруғ туманидаги
34-мактабнинг француз тили
ўқитувчиси:

Француз тилига болаликдан қизиққанман. Бу муҳаббат тилини мукамал ўрганиш мақсадида СамДўга ўқишга кирганман. Университетни тугатганимдан сўнг Уруғ туманидаги 34-мактабда ишлаб бошладим. Мактабда «Полиглот» тўғрагини ташкил этдим. Утган йиллар давомида ушбу тўғрада 300 дан ортиқ ўқувчи француз тилини ўрганди. Улар орасида мактабимиз ўқувчиларидан ташқари ён атрофдаги қишлоқлар болалари ҳам бор. Бугунги кунда Уруғдаги Жозмон қишлоғидан 100 га яқин француз тили муҳассаси етишиб чиққан. Улар мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юрти ва туризм соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Шогирдларимдан Бобур Шарипов ва Тошқобил Муқимов СамДўТДА ўқитувчи, Абдурауф Хўшвақтов «Сарбон» сайёҳлик фирмасининг гид-таржумони бўлиб ишламоқда.

Шунингдек, ўқувчиларим фан олимпиадалари ва билимлар беллашувларида фаол

Француз мақоли

иштирок этиб, ғолиб ва савриндор бўлишган. 2008 йилда Руфат Диёров фан олимпиадасининг, 2012 йилда Бехруз Сувонов «Билимлар беллашуви»нинг Республика босқичида ғолиб бўлди.

2000, 2005 йилларда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси гранти асосида Францияда, 2009 йилда Халқ таълими вазирлигининг гранти асосида Германияда тажриба алмашдим. Самарқанд вилояти ва Уруғ тумани ўқитувчилари учун мунтазам равишда семинар-тренинглар ташкил этиб тураман. Очқ дурс ишланмалари ва мақолаларим вилоят ва республика матбуотида чоп этилган.

2004-2009 йиллар давомида модернизация қилинган ўқув дастури ва тақомиллаштирилган давлат таълим стандартини тажриба-синовидан ўтказдим. Натижада тажриба-синов синфининг 29 нафар ўқувчисидан 25 нафари олий ўқув юртлирининг талабаси бўлди. Улардан 8 нафари француз тили йўналишига қабул қилинди.

Давлатимиз томонидан «Шўхрат» медали билан мукофотландим. Сўнгги йиллардаги меҳнатларим натижасиде СамДўТнинг француз тили факультетида мактабимизнинг 12 ўқувчиси турли босқичларда таълим олишмоқда.

Француз тилини ўрганганимдан ва ўқувчиларга ушбу фандан дарс берганимдан фخرланаман. Чунки, француз тили дунёнинг 29 мамлакат учун расмий тил макомда, шунингдек, 54 давлат аҳолиси иккинчи тил сифатида французчани яхши билади. БМТ иш юритадиган тиллардан бири ҳам французчадир.

Сўзимизнинг аввалида француз мақолини беҳудага келтирмадим. Мен салкам қирқ йиллик ўқитувчилик фаолиятимда ўз-ўзимдан қонқиш ҳосил қилмаганман. Ўзимни ҳар доим йўлнинг бошида тургандай ҳис қиламан. Лекин қишлоғимиз болалари ўзаро французча гаплашганини кўрсам, қувонаман. Утган йиллар беҳуда кетмаганига, юртдошларимга нимадир берганимдан фخرланаман.

Шаҳбоз САЙДОВ ёзиб олди.

УЛУҒ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ КЕЛИШУВЛАР

Ҳамид ҲОТАМОВ,

Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги 37-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси:

— Мен тарих фани ўқитувчиси бўлганим учун нафақат мамлакатимиздаги, балки халқаро воқеаларни, Ўзбекистонимизга дунёнинг муносабатини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Европадаги энг қадимий ва қудратли давлатлардан бири бўлган Францияга расмий ташрифи ҳам ҳар томонлама тарихий воқеа бўлди.

Бу учрашувни бошидан охиригача ҳаяжон ва гурур билан кузатдим. Ўйлаб кўрайлик, аввало, бу ташриф Франция Президенти таклифига биноан амалга оширилди, иккинчидан, Президентимиз Париж шаҳрида юксак эҳтиром билан кутиб олинди, унга катта ҳурмат-эътибор кўрсатилди. Учунчидан, энг муҳими, ташриф жуда ҳам самарали бўлди. Тарихчи эмасманми, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Франция Президенти Эммануэль Макрон учрашувларини кузатаётимиз, бундан 600 йил муқаддам улғу бобомиз Амир Темури билан Франция қироли Карл VI ўртасидаги ёзишмалар, муносабатлар беихтиёр ёдимга тушди. Ўша узоқ замонадаёқ халқимиз Европа билан алоқаларни йўлга қўйгани, ўзаро дўстлик ва савдо битимлари бўйича ишончли келишувлар ўрнатилгани кишини ҳам ҳайратга солади, ҳам гурурлантиради. Ўша қадим дўстона муносабатлар бугунги замонга мос равишда юқори босқичга кўтарилаётгани, қўламини кенглиги билан эътирофга муносибдир.

Яна бир масаладан нихоятда қувондим. Чунки, тарихчи бўлганим учун ҳам музей нима эканини яхши биламан. Президентимиз нафақат Франциянинг, бал-

ки дунё маданий мерослари жамланган Лувр музейини томоша қилаётганда янада ҳаяжонландим. Бу музейда Ўзбекистонга оид ноёб экспонатлар борлигини яхши биламан. Бунинг устига, қаранг, қувонмай, гурурланмай бўладимиз, 2021 йилда бу машҳур музейда Ўзбекистоннинг тарихий меросига бағишланган кўргазма ташкил этиладиган бўлди.

Бу нимани билдиради? Демак, Ўзбекистон тарихига ва маданий меросига қизиқиш катта, тарихимизга юксак ҳурмат билан қаралмоқда. Булажақ кўргазма туфайли Ўзбекистоннинг бутун Европа янада ақиндан билиш имконига эга бўлади. Ўзбекистон қандай юртлигини кўпроқ билган киши уни шунга яраша ҳурмат қилади, қадим юртимизга қизиқиш ортади, туристлар сафи ҳам кенгайди.

Президентимизнинг ташрифи атиги икки кун бўлди. Аммо шу қисқа муддатда бир олам янгилик ва имкониятларга йўл очилди. Буларнинг ҳаммаси улғу мақсадларга хизмат қилади, албатта.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси
Дилшода ОЛИМОВА
ёзиб олди.

ЭЛЕН ПЕЛОСС ХОНИМ: ХАЛҚИНГИЗНИНГ МЕҲРИ МЕНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТОРТАВЕРАДИ

Бухоро шаҳар Арабон кўчасидаги «Элен Оазис» меҳмон уйидан Токи Сарофонгача бўлган масофа нари борса 100 метр. Бу йўлни атиги бир-икки дақиқада босиб ўтиш мумкин. Элен Пелосс хоним эса камиди 15-20 дақиқа юради.

Элен Пелосс хоним Франция фуқароси. Лион шаҳрида туғилиб ўсган. Катта оиласи бор. Касби мусикачи. Сайёҳликни хуш кўради. Ўзининг айтишича, турли мамлакатларда бўлган. Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Хива каби тарихий шаҳарларига такор-такор боришни, тарихий обидаларни томоша қилишни хуш кўради.

Бухорога меҳри бўлакча. Ана шу меҳр сабаб Элен хоним ҳаётининг бир қисmini Бухоро билан боғлаган. Илгари сайёҳ

сифатида келган француз аёли энди ўзи туристларга хизмат кўрсатмоқда. Арабон кўчасидаги таъмирталаб ҳолга келиб қолган, саксон йил илгари қурилган уйни сотиб олди. 2015 йилда сармоя сарфлаб, зарур шароитларга эга меҳмон уйи ташкил этди.

Вилоятда хорижий инвестор томонидан фаолияти йўлга қўйилган ягона «Элен Оазис» меҳмон уйлари орасида ўз ўрнини топти.

— Бухорога келаётган сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда, — дейди Элен хоним. — Меҳмонхонамиз мисолида айтадиган бўлсам, 2015 йилда 365 кишига хизмат кўрсатган эдик. Жорий йилнинг ўтган даврида 944 кишини қабул қилдик. Сайёҳлик мавсуми яқунгача улар сони

янада ошади. Одатда, хоналар буюртма асосида олдиндан банд қилинади. Лекин баъзан бир кунлик сафарга келганлар ҳам мурожаат қилиб туришади. Уларни атрофдаги хусусий меҳмонхоналарга йўналтирамыз.

«Элен Оазис» нафақат Бухорода, балки юртимизнинг турли ҳудудларидаги турфирмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб, ишонч қозонган.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга сафари арафасида Франциялик сайёҳлар учун визасиз тартиб жорий этилгани жуда зўр воқеа бўлди, — дейди Элен хоним. — Ўлкангизни, Бухорони томоша қилгани келадиган юртдошларим кўпаяди. Сайёҳлик фақат даромад манбаи эмас, айти пайтда ўзаро маданий ало-



қаларни ривожлантириш, одамларнинг бир-бирини англаши учун ҳам муҳим.

Бухородаги хусусий меҳмон уйимни ижарага бериб, Францияда яшайверишим ҳам мумкин, — дейди Элен хоним. — Лекин гўзал обидаларингизни, меҳмондўст одамларингизни ҳамма ерда учратмайман. Шу меҳр мени ўзига тортаверади.

Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири.

БМТнинг Бутун дунё туристик ташкилоти томонидан тақдим этилган статистик маълумотга кўра, 2017 йили Франция сайёҳлар ташрифи бўйича жаҳонда биринчи бўлди.

Франциянинг «Эйрбас», «Тоталь», «Винчи», «Орано», «Тоталь Эрен», «Веолия», «Фивс Штейн», «Буиг», «Ранжис» ва бошқа кўплаб компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширишга келишиб олинди.

Ташриф давомида юртимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган Франциянинг таниқли адабиёт ва илм-фан намояндалари — ёзувчи Амин Маалуф, олимлар Фредерик Бопертюи-Брессанд хоним ва Франц Гренега Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси унвони берилди.

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра, 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистон тарихий меросига бағишланган «Буюк ипак йўлидаги тамаддунлар ва маданиятлар» номли кўргазма ўтказилади. Бундай шарафга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб Ўзбекистон сазовор бўлмоқда.

Автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш, туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Франция тараққиёт агентлиги билан 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш тўғрисида аҳдлашув битими имзоланди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

2020 ЙИЛДА БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДАГИ

тор мутахассислар етишмовчилиги
тўлиқ бартараф этилади

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Тиббий таълимдаги ислохотлар — соғлиқни сақлаш тизими-ни тараққий эттиришнинг муҳим мезонларидан бири» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазир-лик мутасаддилари, бошқарма бошлиқлари, ихтисос-лаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, республика даражасидаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда тиббиёт соҳасини замонавий фикрлайдиган, чуқур билимли, маъсулиятни ҳис этадиган, ҳар жиҳат-дан етук кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу йўналишда дастуриламал бўлаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда республикада тиббиёт соҳаси учун 7 олий тиббий таълим муассасаси ҳамда уларнинг 4 филиалида малакали кадрлар тайёр-ланиб келинмоқда. 2017 йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз фи-лиали, жорий йилда эса Фаргона фи-лиали очилиши ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтди. Шунингдек, бу йил тиб-бий олий таълим муассасаларини ба-калаврият йўналиши бўйича икки минг нафар талаба тугатиб ишга йўлланма олган бўлса, 4 минг 395 нафар йигит-қиз талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлди.

— Таълим тизимидаги ислохотлар жараёнида тиббий таълимнинг мазму-ни, кадрлар тайёрлаш муддати ва си-фати халқаро таълим стандартларига мос равишда такомиллаштирилмоқ-да, — дейди Соғлиқни сақлаш вази-ри Алишер Шодмонов. — Хусусан,

ўқув режаларидаги ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки 23 фойздан 7 фойзгача қисқартирилиб, клиникага оид фан-лар учун соатлар ҳажми 55 фойздан 85 фойзгача оширилди, халқаро стан-дартларга мос янги ўқув режалари иш-лаб чиқилди. Шунингдек, ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали шифокорлар билан таъминлаш мақ-садида давлат грантлари асосида ба-калаврият йўналиши бўйича мақсадли қабул квоталари йўлга қўйилди. Ушбу квоталар Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бюрут-маларига мувофиқ, юқори малакали тиббиёт кадрларига эҳтиёж катта бўл-ган ҳудудлар талабига кўра белгилан-моқда. Ўтган йилда 1180, жорий йилда 1548 квота шакллантирилди ва бу та-йёрланаётган тиббий кадрлар 3 йил-дан 10 йилгача муддатда тегишли ҳу-дудларда ишлаши белгилан қўйилди.

Бу кўрилган чора-тадбирлар нати-жасида Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қаш-қадарё, Андижон ва Сирдарё вилоят-ларида умумий амалиёт шифокорига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланди. Бир-ламчи тиббиёт муассасаларидаги тор мутахассислар етишмовчилиги клиник ординатура, магистратура, қисқа му-датли қайта тайёрлов курслари бити-рувчилари ҳисобида 2020 йилгача тў-лиқ бартараф этилади.



Бу йил тиббий олий таълим муассасаларини бакалаврият йўналиши бўйича икки минг нафар талаба тугатиб ишга йўлланма олган бўлса, 4 минг 395 нафар йигит-қиз талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлди.

Тиббий таълим тизимида халқ-аро ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Кейинги йилларда республика ми-нинг тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари 20 дан ортиқ хорижий таълим муассасалари билан ҳамкор-лики йўлга қўйди. Бунинг натижаси-да Кореяда 40 нафар ўзбекистонлик талаба тахсил олмоқда. Жорий ўқув йилида Тошкент давлат стоматоло-гия институтида Москва давлат тиб-

биёт-стоматология университетининг «Стоматология» ва Италиянинг Ту-рин политехника университетининг «Биотиббиёт муҳандислиги» таълим йўналишлари очилди.

Талабалар билан бир қаторда ши-фокорларнинг малакасини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар олиб бо-риляпти. Шифокорларимизни хори-даги етакчи тиббиёт ва илмий муасса-саларга малака ошириш учун юбориш,

хорижий мутахассисларни таклиф қи-лиш тизими йўлга қўйилгани яхши са-мара бермоқда. Жорий йилда 500 на-фардан кўпроқ ёш мутахассиснинг чет элда малака оширгани, 400 нафарга яқин хорижлик мутахассиснинг мам-лакатимиз тиббиёт муассасаларида ма-ҳорат дарсларини ўтгани соҳани яна-да ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, тадбирда тиббий олий таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш баробарида тиб-биётнинг долзарб масалалари бў-йича илмий изланишлар олиб бори-лаётганлиги таъкидланди. Кейинги йилларда 226 ихтирога ва фойдали моделларга патентлар, 186 та ЭХМ дастури учун гувоҳномалар олинган-лиги тўғрисида ҳам маълумот берил-ди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА 4-ЎРИНДАМИЗ

Индонезия пойтахти Жакарта шаҳ-рида III Парасиё ўйинлари давом эт-моқда. Ўйинларнинг тўртинчи кун-и спортчиларимиз 7 олтин, 3 кумуш ва 5 бронза жами 15 медални қўлга кирит-ди. Дзюдо бешлашуварларида Васи-ла Алибоева, Ширин Шарипов, энгил ат-летика баҳсларида Темурбек Гиязов, Бобуржон Омонов, Мансур Абдираши-дов ҳамда сузиш бўйича Фирдавсбек Мусабеков ва Фотимахон Амилова ол-тин медални қўлга киритди.

Дзюдода Шўхрат Бобоев, сузиш бўй-ича Шоҳсанамхон Тошпулатова ва энгил атлетикада Моҳигул Ҳамдамова кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, Шариф Ҳалилов ва Фе-рузахон Юсупова дзюдо баҳсларида Саби-на Суҳанова энгил атлетика бўйича Исро-асланов ва Нигорахон Мирзохи-дова сузиш турида бронза медали билан тақдирланди.

Юртдошларимиз ўйинларнинг тўр-тинчи кундан сўнг медаллар жағғариш бўйича 25 олтин, 12 кумуш ва 10 бронза умумий ҳисобда 47 медал билан Хитой, Жанубий Корея ва Эрондан сўнг тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ушбу натижалар орқали Ўзбекистон Парасиё ўйинларидаги рекордини янгила-ди. Тўрт йил аввал Инчонда ўтказилган Парасиё ўйинларида спортчиларимиз 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритган эди. Ўйинлар якунланиши-га икки кун бор.



III ЁЗГИ ЎСМИРЛАР ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИ

Аргентинада ўтаётган III ёзги ўсмир-лар Олимпиада ўйинларининг кечаги кун-и спортчиларимиз бадий гимнастика, академик эшак эшиш ва спорт гимнас-тикаси бўйича мусобақаларда иштирок этди.

Тазквондо WTF баҳсларида юртдошимиз Улугбек Рашидов кумуш, Нилуфар Ерма-гамбетова бронза медалини қўлга киритди. — Финалда бироз омадди келмади ва россиялик тазквондочига 8:11 ҳисоби-да имкониятни бой бердим, — дейди ўс-мирлар Олимпиада ўйинларининг кумуш медал соҳибдори Улугбек Рашидов. — Ярим йил олдин Тунисдаги мусобақа-да уни 31:28 ҳисобида маглуб этгандим. Умуман, жанг давомида рақибимдан ёмон ҳаракат қилганим йўқ. Фақат, ўзимга бўл-ган ишонч камлик қилди.

Мамлакатимиз тазквондочилари шу пайтгача Ўсмирлар олимпиада ўйинларида медал ололмаган эди. Шу сабабли ҳам бу натижа билан фойдаланаман.

— Улугбек ўйинларга лицензияни 7 ой аввал қўлга киритганди, — дейди мураббий Павел Хан. — Бу вақт ичида унинг бўйи 5 см.га ўсди. Шу сабабли вази ташлашга тўғри келди. Лекин бу осон ке-лмади. Бундай савиядаги мусобақаларда совриндор бўлиш учун қаттиқ меҳнат қи-лиш лозим. Улугбек кўпроқ мусобақалар-да иштирок этиб, ўзига бўлган ишончини янада ошириши керак.

— Албатта, мусобақага олтин медалъ олам, деб келгандим, афсуски, бунга бироз кучим етмади, — дейди ўсмирлар Олимпиада ўйинларининг бронза медалъ совриндори Нилуфар Ермагамбетова. — Ярим финалда муглистонлик рақи-бимга ютқазиб қўйдим. Хатолар устида ишлаб, навбатдаги нуфузли мусобақа-ларга жиддий тайёргарлик курашим.

Шаҳбоз САИДОВ

РЕКЛАМА



Латвия:

парламент сайловида социал демократлар етакчиликка эришди

Жорий йилнинг 7 октяб-рида Латвияда парламент сай-лови бўлиб ўтди. Мамлакат Марказий сайлов комиссия-си берган дастлабки маълум-отга кўра, «Бирдамлик» ёки «Saskana» социал-демократик партияси 19,97 фойз овоз би-лан устунликини қўлга киритган.

Сайловчиларнинг 14,08 фойз овози билан ундан ке-йинги ўринда «KPV LV» (лат-тиш. "Kam pieder valsts") пар-тияси турибди. Шу билан бир-га, мамлакат сиёсий партия-лари ичида нисбатан «ёш»и ҳисобланган ва ташкил этилган-нига, кўп вақт бўлмаган «Янги консерватив партия»си озроқ фойз овоз фарқи билан учин-чи ўринни эгаллади. Мазкур партияни ёқлаб, 113 045 сай-ловчи овоз берган. Бу умумий

сайловчиларнинг 13,58 фойзи демакдир.

Латвия республикаси сай-лов қончилигига кўра, сай-ловчиларнинг 5 фойздан кам овозига эгалик қилган партия-лар парламент мандатига эри-шолмайди.

Маълум бўлишича, бундан буён «Бирдамлик» партияси Сеймда 24, «Янги консерватив партия» 16 мандатни, «KPV LV» эса 15 вакиллик ўрнини қўлга киритиши мумкин.

Айтиш керакки, Сейм Лат-виянинг бир палатали парла-менти бўлиб, унда 100 нафар депутат фаолият кўрсатади. Улар 4 йил муддатга сайлана-ди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.

Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2017-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038. 6504 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:40.

Topshirilgan vaqti — 04:20.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон савифасига ўтиш учун QR-кодни телефон ёки орақли сканер қилинг.

1 2 4 5 6